

ШАРЖ ЮЛОУЗИ



МУНДАРИЖА

НИГОҲ	
Абдуҳалил Маъруфов. Мамнавият — эҳтиёж маҳсули.	3
НАСР	
Омон Мухтор. Муҳаббат ўлимдан кучли.	
Роман Боштинский.	12
Абдураби Абдиев. Муаллиқ одам. Қисса.	53
Абдуқадом Йўлдош. "Энли нима қилмади?". Ҳикоя.	71
Рисолат Хайдарова. Учирдан башорат. Тарихий ҳикоя.	104
Ҳабибулло Хайдар. Қор алаган кун. Ҳикоя.	114
ЖАҲОН ҲИКОЯЛАРИ ХАЗИНАСИДАН	
Дино Бушатти. Ҳикоялар.	84
ШЕЪРИЯТ	
Гулчеҳра Жўраева. Юракка сиймайди	
чексиз муҳаббат. Шеърлар.	8
Зиқрилла Неймат. Нурли келажакка йўл	
олган қарвон. Шеърлар.	67
Мухтасар Тожиаматова. Энли фақат	
юрагимдасиз. Шеърлар.	79
Шермурод Субҳон. Сени изладим. Шеърлар.	82
Сафар Оллоёр. Орзулар қанот бўлар ўйинга. Шеърлар.	97
Фурқат Мели. Уйроқ кутиб олгин тонгни. Шеърлар.	101
БУ БЎСТОН САҲНИДА	
Комил Аваз. Муҳаббатлар.	49
УНУТМАС МЕНИ БОҒИМ	
Асқад Мухтор. Бир ёрут нуқта. Шеърлар.	91
НАЗМ ГУЛШАНИ	
Николай Ильин. Қуёшчи қадимлар тафти. Шеърлар.	117
БУЛОҚ КЎЗ ОЧДИ	
Хурсандбек Тулибоев. Ҳаётингда яшайман	
сенинг. Шеърлар.	128
МУШОИРА	
Кенглик оламга хосдир. Шеърлар.	144
БАДИА	
Ғулом Қариёв. Пайғамбарнинг хирқаси. Эссе.	131
НУҚТАИ НАЗАР	
Муаттархон Жўраева. Фаолит ва масъулият.	94
БАРҲАЁТ СИЙМОЛАР	
Охунжон Сафаров. "Эътиқод — ҳаётининг мазмуни эди". 120	
ИЖОДХОНАДА БИР СОАТ	
Сўз хизматида кечаётган умр. Ўзбекистонда хизмат	
кўрсатган журналист Маҳмуд Саъдий билан суҳбат.	138
МУТОЛАА, МУЛОҲАЗА, МУШОҲАДА	
Шермуҳаммад Амонов. Ҳамза шеъринида	
маън таҳрири масаласи.	151
ДИЛЛАРДАН — ДИЛЛАРГА	
Бегийм Холбекова. Ўзбек тилидан	
инглиз тилига таржималар тарихидан.	157
АДАБИЁТШУНОСЛИК	
Сувон Мели. "Янги танқид" (Ғарб	
адабиётшунослигидаги бир оқим ҳақида).	161
Дилмурод Қуронов. Портретдаги мусаввир сийрати.	173
Исмоилжон Ёҳубов. Алиб соғинган манзил-маъволар.	177
МЕРОСИМИЗНИ ЎРТАНАМИЗ	
Дилнавоз Юсупова. Фурқатнинг "Илми шеър	
қондан авзонини баёни" дастхати.	184
ЙИЛЛАР, ВОҚЕАЛАР, ТАҚДИРЛАР	
Шерали Турдиев. Маърифат ва истиқлол филофисси.	187
ГУЛҚАЙЧИ	
Абдураҳмоқ Обруй. Ҳазиллар.	191

ШАРҚ ЮЛДУЗИ

2010

4-сон

Муассиси:

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

* Муаллифлар фикри таҳририят фикри деб қабул қилинмасин. Таҳририятта қобилланган материаллар муаллифларга қайтарилмайди.

* Обунага монетарик кўрсатилса
Тошкент — 100000,
Амир Темури тор
кўчаси, 2. Республика
«Матбуот тарқатувчи»
акциядорлик
компаниясига мурожаат
қилинсин.

Мавзелимиз:

100127, Тошкент шаҳри,
Ўзбекистон кўчаси, 16-а уй.
Телефонлар:
227-00-81, 245-22-99
E-mail: sharqyulduzi1931@mail.ru

Босишга рухсат этилди
05.08.2010 йил.
Қоғоз бичими 70x108 1/16.
Офсет босма усулида тип.
№ 1-қоғозга босилди.
Босма тобоғи 12.
Шартли босма тобоғи 16.8.
Нашриёт ҳисоб тобоғи 18.4.
Адади 1600 нусха.
Бузюртга № 1152

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлигида 0562-рақам
билан рўйхатга олинган.
«Шарқ» НМАК босмахонасида
чоп этилди.
Қорхона мавзели:
Бузюк Турон кўчаси, 41-уй.

Саҳифаловчи:
Ақбарали Мамисалиев

Мусаҳҳиҳлар:
Дилфуза Маҳмудова,
Феруза Раҳимова



МЕЛИ,

фанлари номзоди

“ЯНГИ ТАНҚИД”

(Ғарб адабиётшунослигидаги бир оқим ҳақида)

Муттасил ўтишга мойил вақт ҳаётни, адабиётни ва адабий таффакурни тўхтов-
да янгилаб боради. Вақт-замон тақозоси билан адабиётни, хусусан, балиий асар-
тамоман бошқача баҳолаш зарурияти, аниқроғи, эҳтиёжи пайдо бўладики, бу
бирор мамлакат, ҳудуд ёки миллат адабиётшунослиги ва адабий танқидни

Умуман, аввалдан маълум ҳодиса ёнига “янги” сифати тақалиши муайян
тимоний онгла ушбу ҳодиса заминиди кескин ўзгариш бўлганини қайд этади.
унинг янгилик даражаси ва миқёси ҳамда қиймати қай даражада — бу,
ҳодисанинг моҳиятига назар ташланганда маълум бўлади.

XX асрнинг иккинчи ярмида бир-биридан деярли мустақил равишда Англия
Америкада (ягона инглиз тили доирасида) ҳамда Франция адабий муҳитида
бир бўлган “янги танқид” (инглизча — “new criticism”, французча — “critique
nouvelle”) жаҳон эстетикаси ва адабиётшунослигида сезиларли из қолдирди. Бу из
и-ҳануз ўзини намоён этиб туради.

Бундай янги таълимотлар деярли ҳаммавақт у ёки бу илмий оқимнинг қайсар
ронлиги ҳамда ўз имкониятини чеклаб бўлиб, кўпчиликнинг жонига теги-
туфайли юзага чиқади. Шу сабабли, улар кўпинча кескин характерда бўлиб,
тариқат ҳолда олтин ўрталик унутилади. Жонга теккан оқимнинг ақидаларига
ама-қасд янги принциплар олға сурилади. Улар олатда ригористик, “ягона
қат” тарзида бўлади. Куюшқондан чиқиш, ўз навбатида, яна бир куюшқон-
чиқишни пайдо қилади, шекилли.

“Янги танқид” XIX асрнинг иккинчи ярмида ҳукмрон мавқеда бўлган пози-
изм ва кейинроқ шоҳсурага кўтарилган марксистик танқид ва адабиётшунос-
ахка муҳолиф, ўзига хос жавоб тарзида вуҷудга келганини қайд этмоқ лозим.
Маълумки, позитивизм таъсиридаги адабиётшунослик француз тарих илми
Гизо, О.Тьерри, Ф.Миньелар томонидан асосланган синфий кураш ҳақидаги
имот) ҳамда шу даврдаги табиатшунослик фани ютуқларига (детерминизм
ишипи ва эволюция назарияси) суянган ҳолда пайдо бўлган ва тараққий эт-
У миллий адабиётлар, мактаблар ва алоҳида ёзувчилар ижодининг тараққиёт
урилишларини аниқлаш, балиий асарни таҳлил қилишнинг қатъий қоидаларни-
тариқатиш, баҳолашнинг объектив мезонларини топиш каби вазифаларни ўз ол-
мақсад қилиб қўяди.

Ушбу йўналишнинг таниқли назарийчиси, маданий-тарихий мактаб асосчиси И.Тэн бўлиб, у ўз принципларини ўзининг "Инглиз адабиёти тарихи" китобининг кириш қисмида баён этган. И.Тэн фикрича, "адабий асар табиати ва ўзига хослигини уч омил белгилайди: дастлаб — **ирқ**, яъни, миллатнинг биологик табиати билан боғлиқ туғма ва наслий майллар; ундан кейин — **муҳит**, яъни, инсон умргузаронлигининг жугрофий ва ижтимоий-сиёсий шарт-шароитлари; ва, ниҳоят — **фурсат**, яъни, асар яратилган замон, аниқроғи ушбу замоннинг маданий даражаси ва адабий анъаналарининг таъсир кўлами". Шундай қилиб, И.Тэн адабий ижоднинг сабабий шартланганлигини (каузаллигини) қатъий ақида тарзида ўрнатади.

Марксча адабиётшуносликка келсак, у асос эътибори билан позитивизм оқими таъсирида вужудга келгани сир эмас, зеро, марксизм ва позитивизм моҳиятан яқин таълимотлардир. Уларнинг яқин мавқеини билиш учун ҳеч бўлмаганда, юқорида И.Тэн белгилаган адабий асарнинг уч омилидан сўнгги иккитаси — **муҳит** ва **фурсат** марксизм етовидаги адабиётшуносликда ҳукмрон мавқеда эканини қайда этмоқ кифоя.

Шундай қилиб, "янги танқид" ақидалари социологик метод, маданий-тарихий мактаб ва бошқа позитивистик йўналишларга қарши ўзига хос раддия ёки жавоб тарзида вужудга келди. "Янги танқид" бадний асарга ўз-ўзича (унга бошқа ҳеч нарсани аралаштирмаган ҳолда) қийматга молик "поэтик ҳолиса" сифатида қарайди, асарда ёки асар атрофида мавжуд бўлган ижтимоий, тарихий ва биографик омилларга таянмасдан, улардан мутлақо кўз юмган ҳолда бадний асар таҳлилга киришади.

"Янги танқид" ўтган асрнинг эллигинчи йилларига келиб Фарбда ҳукмрон, етакчи мавқега эришган эса-да, унинг эмбрионал шаклланиши ўттизинчи йиллар, хусусан, "The Southern review" ва "Kenyon Review" журналларининг фаолияти билан боғлиқ. Оқимнинг сарчашмаси Ж.Э.Спингари томонидан чоп этилиб, италян файласуфи Б.Кроче ғояларини амалда тадбиқ этган "янги танқид" номли анталогиядан бошланади. Маълумки, "Кроче ўзи тадқиқ этаётган асарларга муфассал тарихий изоҳлар бергани ҳолда, бадний ижод, аниқроғи ижодий жараённинг ижтимоий ва биографик омилларига жиддий эътибор қаратмас эди".

Кейинчалик "янги танқид" тарафдорлари, асосан, машҳур шоир ва олим Т.С.Элиот, адабиётшунос олим А.А.Ричардс ва Европадаги бошқа назарийчилар ишларига суянишар, юқорида таъкидланганидек, марксча адабиётшунослик ва бошқа ҳар қандай позитивистик социологизмдан ўзларини четга олишарди.

Оқимнинг Англиядаги таниқли вакиллари Ф.Ливис ва Л.У.Эмпсон Элиот ва Ричардслар ортидан бориб, адабиёт ва эстетикадаги викториан анъаналарни рад этишди. Ф.Ливис Д.Томпсон билан ҳамкорликда "Маданият ва муҳит" китобини чоп этишдики, ундаги диққатга молик ўрин "танқидий онг машқлари" бўлиб, бунда мунаққиднинг ижтимоий воқелик таъсирига (зугумига) қаршилик кўрсата олиш маҳорати кўзда тутилган ва шундай йўл-йўриқлар баён этилган эди.

Шунингдек, Л.Эмпсон "Пасторалнинг айрим нақллари" ва "Сўз ясаши структураси" каби асарлар эълон қилади. У билан ёнма-ён шекспиршунос У.Найт иш олиб боради. Йўналишнинг матбаа наشري Ф. Ливис ва У.Найт таҳрири остида чиқадиган "Scrutiny" ("Тадқиқот") журнали эди.

Америкада "янги танқид" ўттизинчи йилларнинг охири ва қирқинчи йилларнинг бошларида инглиз олимлари А.Ричардс ва У.Эмпсон тадқиқотлари, шоирлар Э.Паунд ва Т.С.Элиот шеърияти ва назарий қарашлари таъсирида шаклланди, ҳамда эллигинчи йилларга келиб етакчи йўналишга айланди. "Янги танқид" китоби муаллифи Ж.К.Рэнсом, "Реакцион эсселар" ва "Ноақдлаган ақл" китоби муаллифи А.Тейт, "Замонавий шеърият ва анъана" китоби муаллифи К.Брукс, "Адабий шакл фалсафаси" тадқиқотида "ҳаракат рамзлари" — инсондаги ботиний ҳаракатнинг сабаб-мотивларини тадқиқ этишни мақсад қилган К.Бёрк ва бошқалар "янги танқид"нинг Америкадаги етакчилари эдилар.

"Янги танқид" вакиллари поэтик матинни (бунда фақат шеърият тушунимай, умуман бадний асар кўзда тутилади) бевосита тадқиқ этишга бутун диққат-эътиборларини қаратишиб, ўтмишдаги импрессионизм ва натурализмнинг адабий

барча методларидан утил-кесил воз кечдилар. Зотан, айрим олимлар "янги танқид"ни "матн, ёлғиз матн таҳлили" мактаби деб бежиз айтишмайди. Янги асар "янги танқид" вакили учун замон ва макондан ташқари, яхлит ва янги кийимга молик вужуддир. Бутун ва мураккаб лисоний манзара ҳосил бўлиши асар структураси ва барча қисмларининг ўзаро узвий алоқадорлигини асос қилиш учун бадий асарни синчковлик билан ўқимоқ лозим бўлади. "Синчковлик"ни истъриятдан бошлаган "янги танқид"чилар таҳлил сиралари мажмуа-турли-туман рамзларни олиб кирган ҳолда, сўнг бадий насрга ўтдилар. Улар ҳатто ўта реалистик романнинг ҳам энг теран мазмуни асардаги реал ҳаёт фақат умумлашма маъно касб этган тақдирдагина, чинакам очилиши билан, ушбу романлар шундай йўсинда талқин этилади.

К.Бёрк тағсирлашда — "Хатти-ҳаракат рамзлари тадқиқоти" деб қўйилган, тарзда тилга олинган "Алабий шакл фалсафаси" китобида рамзий талқиннинг тарий асосларини ишлаб чиқади. У бадий ижодни инсон феъл-атворидаги ўта ирфоний сабаб-мотивларга уйқаш ҳолда ўрганади. Ассоциацияларнинг мураккаб, тармоқ силсиласи муайян хатти-ҳаракат замирида кўламли ва чуқур маъно вужудлигини кўрсатади. Асарда тасвирланган одатий ҳолат алал-оқибат борлиқ-нинг кординал муаммоси — ҳаёт ва ўлимга бўлган муносабатни акс эттира олиши ҳақиқатиди деб бўлади. Айтайлик, инглиз мумтоз шоири Ж.Китснинг "Юнон афаси малҳи" асарида тугилажак ассоциациялар ёрдамида буржуа индивидуализм, шоирнинг жисмоний ҳасталиги ҳамда яна теранроқ ва кўламдор маънода ҳаёт ва ўлим тенглиги рамзи "илғаб олинади".

Маданият тарихида мавжуд бўлган маросимлар инсонни ҳаракат қилишга қўйилган турткиларнинг теран пинҳоний маънолари маросим қонун-қоидалари қўйишга яширинган кўринишидир, деб ҳисоблайди "янги танқид"чилар. Асарни таҳлил этишга жазм этган мунаққид ушбу сабаб-мотивларни қайта очиши лозим. "Янги танқид" доирасида яратилган аксарият асарларда рамзийлик айтиш шундай ҳолда талқин этилади. Умуман, рамз ва "конкрет буткул умумий"нинг мураккаб диалектик алоқаси "янги танқид"нинг марказий нуқтаси ҳисобланади.

Бадий матнни теран таҳлил ва зимний талқин қилиш "янги танқид"нинг асосий тан олган фазилати, дейиш мумкин. Лекин тарихийлик принциpidан воз келиш ушбу оқимга хос талқин доирасини ёлғиз шаклий, психологик ва фалсафий сабаб-мотивлари билан чегаралаб қўяди, у бадий асарни ижтимоий-тарихий ҳаёт ва аҳамиятдан маҳрум ҳолида сифатида ўрганади. Нафсиламбирини айтганда, адабиёт тарихи "янги танқид"нинг фаолият ва қизиқиш доирасига кир-мас, бу соҳа унга гўё бегонадек эди.

"Янги танқид"да мавжуд ва ўзаро кесишадиган икки тамойил ҳақида гапи-риш мумкин: доимий тематик мотивлар ва истиоравий санъатлар психоанализ қоидалари нуқтаи назаридан талқин қилинади. Бу ҳол асар қисмлари, структура-нинг турли поғоналари бир бутун ва ўзаро шартланганлиги қоидадан келиб чиқиб, асар, ўрганилаётган матннинг "теран қатламлари"да беркинган маънолар-топиш ва тартибга солиш билан алоқадор.

Айтиш жоизки, "янги танқид" З.Фрейднинг психоанализ назариясини ўзига психологик қурол ва ғоявий дастак қилиб олар экан, бунда у бадий асарнинг маъзини топишда айтарли муваффақиятга эриша олмайди. Жаҳон адабиётида-кўплаб мумтоз асарлар психоанализ нуқтаи назаридан талқин қилинган, лекин ҳақиқатда жихат у ёки бу қаҳрамон хатти-ҳаракатининг айрим жихатларига теранроқ таҳлил ташлашга имкон берган эса-да, умуман олганда, бундай талқинчи асарнинг тарихий-гуманистик мақсадидан узоқлашиб кетишига гувоҳ бўлиш мумкин.

Американинг буюк адиби Эдгар По ижоди ҳақида кўплаб танқидий-биогра-фик асарлар яратилган. Шулардан бири француз танқидчилигида ажралиб туради-кан, немис ва инглиз тилларига таржима қилинган Мария Бонапартнинг уч том-лик "Эдгар По. Таҳлилий очерк" китобидир. Мария Бонапарт З. Фрейднинг шо-хларидан бўлиб, китобга Фрейднинг ўзи махсус сўзбоши ёзган. Китоб муалли-фи Эдгар По нима қилган ва қандай асар ёзган бўлса — ҳамма-ҳаммасига фрейдча таҳлил-талқин беради. Эдгар По ҳикояларини шарҳлар экан, тадқиқотчининг тиз-имсиз эротик ҳаёлот чек-чегара билмайди. Қартайиб қолган Фрейд ўз сўзбоши-

сида ёзувчи ижодининг бундай талқинини юмшоқлик билан рад этади: "Ҳозиргина ўхшаш тадқиқотлар санъаткор ижодини тушунтиришга даъво қила олмайди, улар фақат ижодга кўзгатувчи омишлар ва санъаткорнинг у ёки бу мавзунини афзали кўриши майлига ойдинлик киритади, холос".

"Янги танқид"нинг бундай муваффақиятсиз тажрибаси биздаги танқид ва адабиётшунослик учун сабоқ бўларли. Бадий асар таҳлилида психоанализ қондаларини қўллашда эҳтиёт бўлиш зарур. Бунда ақл билан илмий одоб-нафисликка энг муҳим, меъёрга риоя этган ҳолда масалага ёндашмоқ лозим. Психоанализ воситасида соф адабий муаммоларни ҳал этиш мумкин, деб ўйлаш соддадилликдир. Айрим ишларда "психоанализ" атамаси ўзбекчага сўзма-сўз "руҳий таҳлил" деб таржима қилиниши ҳам Фрейд назариясининг асл моҳиятини англаштириб қўйиб, оғирлик қилади, яъни, бутун бир таълимотни оддий иборага айлантириб қўйиб, оғирлик қилади, яъни, бутун бир таълимотни оддий иборага айлантириб қўйиб, оғирлик қилади.

Маълумки, Фрейднинг 1928 йилда ёзилган "Достоевский ва падаркушлик" номли машҳур мақоласи бор. Мақола кирган нашрга ёзилган сўзбошида айтилган индек, бу — "буюк рус ёзувчисининг фалсафий, этик ва эстетик концепциялари, шу баробарида, унинг индидиятли шахсини англаш борасида психоанализ техникаси методологияси сифатида қўлланган ёрқин намунадир".

Бу бироз оширилган баҳо эса-да, мақола Достоевский ҳақида ёлғиз Фрейд айтиши мумкин бўлган чуқур фикрларга чиндан ҳам бойлиги аниқ. Буюк ёзувчининг болалиги, отасига муносабати, улғайгандан кейинги хатти-ҳаракатлари, қиморга ҳалдан ортиқ берилиши каби далилларга таяниб ва шулардан келиб чиқиб Достоевский ижоди, хусусан, унинг шоҳ асари "Ака-ука Карамазовлар" романидаги айрим ўринларнинг чуқур руҳий тағқатламини очишга уринади. Падаркушлик тасвир этилган жаҳон адабиётидаги уч асар — "Шоҳ Эдип", "Ҳамлет" ва "Ака-ука Карамазовлар"нинг психоанализига асосланган қиссий-типология таҳлили мақоланинг мумтоз ўринларидан биридир. Айтайлик, ушбу фикрларга қўластутинг. Эдипнинг айби фош бўлиб, ошкор этилгач, қаҳрамон томонидан "ўзидаги айбни соқит қилишга, уни тақдири азал бўйига ағдаришга уриниш бўлмайди, аксинча, айб тан олинади — ва, ўз эрк-ихтиёри билан қилинган айб сифатида жазоланади, бу ақл-идрок нуқтаи назаридан адолатсизлик бўлиб туюлиши мумкин, лекин руҳий-психологик жиҳатдан мутлақо ҳаққонийдир".

Бу дўппини қўлга олиб ўйлайдиган, инсон руҳиятининг қаъри-қаърига дохил сирли жумбоқнинг аниқ илмий қайдицир. Эдипга қайтсак, у, Фрейд фикрича, аввалбошдан, ҳатто жиноятга қўл урмасдан олдинроқ айбдор, айб, гуноҳчи, унинг руҳиятида потенция тарзида мавжуд унинг амалга ошиш-ошмаслиги, бу эдип бошқа масала. Лекин буларга қарамай, мақоланинг аксар соф психоаналитик қисми бадий адабиёт ҳудудидан четга чиқиб, бошқа томонларга олислаб кетади. Бунинг мақола аввалида, Фрейднинг ўзи мардона тан олади. Мана ўша сўзлар: "У (Достоевский) ёзувчи сифатида шак-шубҳасиз, Шекспир билан ёнма-ён туради. "Ака-ука Карамазовлар" ҳозиргача ёзилган романларнинг энг буюғи. "Улуғ инквизитор ҳақида ривоят" жаҳон адабиётидаги бемисл чўққилардан бири. Афсуслар бўлсинки, адибнинг ижод муаммолари қаршисида психоанализ таслим бўлмоққа мажбур".

Психоанализ асосчиси Фрейднинг мазкур фикри уни адабиётшуносликка талқин қилишга жазм этган ҳар бир олим ва мунаққиднинг доимо эсида бўлмоғи лозим.

Француз "янги танқид" асосчиларидан бири Ролан Барт фикрича, энг замонавий фалсафий илмга суянган ҳолда, Монтендан Прустгача бўлган бутун франтуз адабиётини қайта кўриб чиқишга жаҳд "янги танқид" моҳиятини ташкил қилади. "Муайян мамлакатда пайти-пайти билан ўз ўтмиши" воқеаларига қайтиш ва уларни қайда этиш истаги ҳайрон қоларли эмас, бу нарса бутун уларни қайда тасаввур қилиш имкониятини (таъкид Р.Бартники — С.М.) англаш учун зарур. Бундай қайта баҳолаш амалиёти мунтазам давом этмоғи лозим".

Бинобарин, илмда ва ижтимоий ҳаётда пайдо бўлиб, кенг тарқалган ва қўллаб мухлисларига эга бўлган у ёки бу оқимни танқид қилиш, рад этишдан осон иш йўқ. Бунинг устига қуруқ инкор ҳақиқий илм йўли эмас. Худди шундай, "янги танқид" объектив нигоҳ билан қаралганда, айрим методология қусурлардан холи

Лекин унинг, шак-шубҳасиз, бир фазилати мавжудки, уни қайд этмоқ "Янги танқид" бутун диққат-этиборини бадий асар ва унинг борлиги — бадий матига қаратди. Шунинг ўзиёқ, жаҳон адабиёт назариячилигига қўшилган ҳиссасидир.

Шу ўринда бир мулоҳаза, адабиёт деб аталмиш улкан ҳодиса адабиёт тушун-даси ва бадий асарнинг диалектик алоқасидан яралади, дейиш мумкин. Бир ҳодиса, адабиёт муайян даврда яратилган асарларнинг шунчаки механик жам-марасида нарса эмас. Адабиёт яратилган (ўтмишдаги мумтоз асарлар адабиётта мутга-ла шуъла ташлаб туради) ва яратилаётган бадий асарлар қўшув (+) уларнинг ҳаракат ва миллат ижтимоий онига ўтказадиган таъсири ва ундан қайтадиган таъсирилар мажмуидан иборат.

Ушбу жараёнда икки ножиоз ҳолат пайдо бўлиши мумкин:

1. Бадий танқидда адабиёт ҳақида, аниқроғи, унинг ёнвери, теварак-атро-фда қуруқ гап кўпайиб кетиши, натижада, адабиётнинг бош иштирокчиси ба-дий асар этибордан бир қалар четда қолиши мумкин.

2. Бадий танқид у ёки бу бадий асар (лар) ҳақида фикр юритиб, фақат шу атрофда ўралашиб қолиши, машҳур ибора билан айтганда, якка дарахтни кўргани ҳолда яхлит ўрмонни илғай олмаслиги мумкин.

"Янги танқид" биринчи сирада айтилган ножиозликни тузатишга жазм этди, яъни, бутун диққат-этиборини бадий асарга, бадий матига қаратди. Лекин у иккинчи сирада қайд этилган ножиозликка йўл қўйди. Биз бу ҳақда юқорида айтилиб ўтдик.

Демак, "янги танқид" бадий асарга (ва адабиётга) кенг ва атрофлича комп-лекс баҳо беришда оқсаган эса-да, у ўзи ташлаб олган жабҳада шаксиз ютуқларга эришди. Биз қуйида унинг ютуқ ва камчиликлари ҳақида ҳолисанилло фикр айтишга ҳаракат қиламиз.

"Янги танқид" вакиллари бадий асар таҳлилига диққат-этибор қаратар экан-дир, аввал таҳлил қилинган ишларни қайта назардан ўтказиш, яъни, таҳлилни маълум билан шугулланишини ҳуш кўрадилар. "Янги танқид" етакчиларидан бири Ричардс етмишинчи йиллар бошларида йирик тилшунос ва поэтикачи олим Якобсон Шекспирнинг 129-сонетини таҳлил қилган мақолага ўз муносабатини қолдиради. "Шаҳвонийлик авжга чиқса, нурайди..." деб бошланадиган бу сонет инглиз-америка "янги танқид"и учун синов тоши вазифасини ўтайди: сонетни бирманчи йиллардаёқ Роберт Грейвз, Лора Райдинг ва Ричардснинг ўзи таҳлил қилишган эди. Айтиш жоизки, у пайтда Грейвз ва Райдингнинг ниятлари бўлак, ҳар соф техникавий чигалликдан фарқли ўлароқ, чинакам мураккаблик қандай қилишини кўрсатишга жазм этган эдилар.

Хуллас, ушбу сонетнинг Якобсон талқинига Ричардс ўз муносабатини бил-диради. Бунинг устига, бу Ричардснинг сўнгги мақоласи, яъни, васияти ҳам эди-ли, масаланинг бу томони ҳам муҳим.

Мақола аввалида Ричардс ўртага савол ташлайди: бунда кўзга ташланадиган нарса нима? Унинг фикрича, бу шеър матнида мавжуд маъно ва тушунчалар-нинг "фоно-грамматик-семантик чатишмаси"ни очишга қаратилган ҳаддан таш-қари кучайтирилган "юксак даражадаги" танқидий ёндашуви. Бундай таҳлил ни-маларни очади? Ричардс ишора қилганидек, бундай саволга ҳозирча жавоб олол-маймиз. Бундай таҳлил Шекспирнинг ўзини ҳам лол қолдириб, "ўзини ўзи қуноқламайдиган" китобхон ҳолига солган бўлур эди, дейди Ричардс. Бу ҳали бундай таҳлил яроқсиз эканини англатмайди. Ўз асарида объектив равишда на-зоён бўладиган, янада аниғи, махсус нигоҳ билан таъминланган (буни "янги танқид"чилар "қуролланган" дейдилар) китобхон кўрадиган маънони илғай ол-майдиган муаллифга кўрсатиш, у ҳатто Шекспир бўлса ҳам. Шу эмасми, тан-қиднинг чинакам олий вазифаси, дея риторик савол ташлайди Ричардс. Лекин шундаки, бундай таҳлил вазифаси ва мазмунини англашга таҳлилнинг тех-ник маҳоратига тан берадиган ҳамфикр китобхон ҳам қийналиши турган гап. Таҳлилда қўшалок зиддиятлар (бинар оппозиция) тизмаси, чирмашган маъно-ларнинг қандайдир тизимини кўрамиз, лекин булар ортидан шеърдаги нима

бўртиб кўринади, яъни, уларнинг қаъридаги кўрар кўзга яширин бўлган маънолар ойдинлашадими? Ёки таҳлил "шарофати" билан шеър таниб бўлмайдиган матоҳга айланадими?

Нарса, объект тадқиқот жараёнида кўзга ташланиши шарт эмас, дейдилар, бу балки тўғридир. Операция столида ётган беморни ўзгаларгина эмас, ҳатто унинг ўзи ҳам ўзини танимас. Танишлик пировард натижада намоён бўлиши лозим, яъни, у соғайиб, сафга қайтадими, содда қилиб айтганда, оёққа туриб юра бошлайдими, гап шунда. Операция пайтида жарроҳ кўлига ёпишмаймиз, лекин унга қаратилган бир савол кучда қолади, қасрми, нима учун кесаётганини жарроҳнинг ўзи биладими?

Демак, шеърни шу тарзда таҳлил қилиш жарроҳлик амалиётига ўхшатилади. Амалиётдан мақсад одамни қайта оёққа турғизиш бўлганидек, таҳлилга жалб этилган шеър таҳлилий амал жараёнида ўзининг бўй-баста, фикр-ҳиссиёт кучи билан китобхон кўз ўнгида қад ростлаши лозим бўлади.

"Шундай топқирлик ва аниқлик билан, — деб ёзади Ричардс Якобсон ҳақида, — у таҳлилни олиб боради. Бу турли алоқадорликларни кашф этишга қаратилган нозик, кўламдор амал бўлиб, батафсил кўрсатилиши лозим бўлган нарсани ҳафсала билан кузатади, илғаб олади ва йилдан-йилга янада аниқ-қатъий ўринга қўяди; бунда барча сўзлар биргалашиб қиладиган иш жараёнида сўзларнинг ҳоссалари, ўзаро алоқалари, сўзлар бириккандagi ҳаракатланиш шартлари бўртиб намоён этилиши зарур".

Бундан қандай натижага эришилади? Биз бу ерда бундай саволга ўрин йўқлигини англаймиз. Шекспирга суяниб бундай савол қўймасликка Ричардс бизни тайёрлайди. Аммо бу каби таҳлилдан Шекспирнинг боши қотган бўлурди. Гап бош қотишда ҳам эмас — муаллифнинг боши нима сабабдан қотиши мумкин ва, айнан, нима муаллифнинг бошини қотиради? Ричардс шунга ўхшаш қатор моҳиятга дахлдор саволларга жавоб бермайди. У яна "таҳлилда нокерак ўринлар анча" деса-да, булар, айнан, нима эканини айтмайди.

Бундай амалиёт жараёнида ҳам Якобсон, ҳам Ричардснинг таҳлил усулида бир нуқсон — улар кўзлаган мақсад балки, айнан, шудир — кўзга ташланади. Яъни, улар таҳлилни бирдан-бир мақсад (таҳлил таҳлил учун) қилиб оладилар, шоир кўзда тутган, уни қалам олишга ундаган, китобхон ўқиб лаззатланадиган ялпи таассурот таҳлилчи эътиборидан четда қолади. "Кўринишдан, бундай йўл аниқликка, матн қаърига шўнғишга ўхшаса-да, амалда бу — матндан узилган мавҳум муҳокамдир", деган рус адабиётшуноси Д.Уринов ҳақ.

Кейинчалик ҳам 129-сонетга эътибор сусаймади. Сонетнинг рус тилига қилинган таржималари борасида махсус мақола ёзган адабиётшунос П.Нерлер асарининг бош мавзуини шундай белгилайди: "қисмат ёки виждон томонидан қамчиланаётган, муҳаббат ва эҳтирос, руҳ ва шаҳват ўртасида саросимада бўлган одамнинг ботиний фожеаси".

Инглиз классик шоири Вордсворт таърифлаганидек, "Сонетлар Шекспир дил қулфини очувчи калитдир". Уларда, жумладан, 129-сонетда инсон борлигининг эиддиятли бир ҳолати — жунбушли эҳтирос ва руҳонийлик ўртасидаги кураш маънавий кўзгусига солиб баҳоланади:

*Шаҳвонийлик авжга чиқса, нурайди,
Соғлом руҳ қуввати, намус — ор қолмас.
Раҳмсизлик, қаҳр онгни ўрайди,
Маккорлик, телбалик зўрай хуллас.
Қондими, бас, нафрат орттиради ва
Таъқибдан бўшамай қолади мудам...*

"Эҳтирос — эркак ва аёлнинг пинҳоний нуқталарида жойланади", дейилган қадимги тибет тиббий ёлгорлиги "Чжудши"да. Эҳтирос одам жисми-жонини эгаларкан, ўша лаҳзада у ҳокими мутлақ мавқеида бўлади. Уни бир жиҳатдан халифа дейиш мумкин. Шу лаҳзада унинг бутун буйруқ ва истаклари сўзсиз ижро этиладиган фармонлардир. Лаҳза, момент ўтгач, ҳукмронлик тугайди ва унинг сўзсиз бажарилган буйруқлари бемаъни туюла бошлайди. Лаҳза шонқалоқ, ўткирчи бўлагани туфайли эҳтирос аввал одамни аврайди, сўнг одам нимагадир қийналади.

но, деб чеклади. Ушбу жараёндаги психологик зиддият Шекспирнинг 129-сонетида
таълиқнинг мукаммал ифодасини топган.

Аммо Якобсон таҳлилида ҳам, уни тафтиш қилган Ричардс мақоласида ҳам
бу ҳақда, яъни, сонетнинг гоёвий-эстетик ва бадий мақсади борасида гап-сўз
иниқ бундай минус белги, бошқача айтганда, қусур, "янги танқид"нинг хос ху-
сияти дейиш мумкин.

Француз "янги танқид"нинг инглиз-америка "янги танқид"идан фарқи
шундаки, унинг тараққиёт йўли адабиётшуносликка тадбиқ этилган структура-
лизм оқими билан биргаликда кечди. Ҳатто баъзан француз "янги танқид"и шун-
дай структурализмнинг бошқа бир кўриниши ҳам дейишади. Маълумки, структу-
рализм илмий йўналиш тарзида дастлаб тилшуносликда пайдо бўлиб, у тил бир-
тадқиқлари ўртасидаги структурал алоқаларнинг аниқ қайд этиш усулларини ишлаб
ташққан. Кейинчалик бу усуллар адабиётшуносликда ҳам қўллана бошландики,

француз "янги танқид"и, айнан, шу жабҳада фаол фаолият кўрсатди. У санъатни
да имманент (ички-махсус) тадқиқ этишга чақирар экан, бу билан у Россияда
анжирманчи йилларда иш олиб борган ОПОЯЗ (Поэтик тилни ўрганиш жамияти)
фа "Формал мактаб" гоёларига яқин туради.

Француз "янги танқид"и вакиллари бадий асарни таҳлил қилишнинг қатъ-
сий мезонлари, критерияларини ишлаб чиқаришга интилар эканлар, структурал
ишлунослик, антропология (К.Леви-Стросс ишлари), психоанализ билан туташ
"теран психология" (Ж.Лакан тадқиқотлари), илмий билим назарияси (М.Фуко
и-дотоблари) методларига мурожаат қилдилар, улар қўллаган тадқиқот техникаси
ни атамалардан фойдаландилар.

Энди француз "янги танқид"нинг йирик вакили Ролан Барт ижоди, унинг
африм таянч тушунчалари ҳақида фикр юритсак. Биз бу ўринда олим матн ва
ишюна (якка-якка ҳам биргаликда) қай тарзда ёндашганига эътибор қаратамиз.

Юқорида қайд этилганидек, француз "янги танқид"нинг назарий асоси
структурализмдир. Бу атама ўзагида турган "структура" сўзининг одми маъноси
таъзуилиш, ички таъзуилиш, у ўзининг махсус маънода нарса ёки ҳодисани таш-
ишл этувчи қисмларнинг ўзаро жойлашуви ва ўзаро алоқадорлигини англатади.
Р.Структурализм илмий йўналиш сифатида совет даврида у қадар эъзозланмаган,
ишунга қисман асос ҳам бор эди. Ўша даврда чиққан махсус луғатда айтилганидек,
иш структурализм принциплари ўта чекланган бўлиб, тилнинг ёлғиз техник жиҳат-
ишларини қамрайди, холос. Бадий нутққа бундай ёндашув эса самарасиз ва у бадий
иш асарга яхлит ҳодиса сифатида қарай олмайди".

Қисман шундайликка шундай. Лекин буни буткул самарасиз оқим деб бўлмайди.
Шунки структурализм илмий оқим ва методология сифатида қатор фазилатларга
иш (ўрнида қўлланганда) эгаки, буни тан олмаслик илмий холисликка зид бўлур
ишди. Устига-устак унинг жаҳон филологиясида нуфузли ўрни ва таъсирини инкор
ишлиб бўлмайди. Хусусан, Ролан Бартнинг илмий фаолияти структурализмнинг
ишамарали илмий оқим эканига қўшимча яна бир далилдир.

Байналминал атама бўлмиш "текст" асли лотин тилидан олинган бўлиб, лу-
ишавий маъноси "боғланиш, қўшилиш"дир. Изоҳли луғатда "текст" сўзига шундай
ишунтириш берилади: "Ёзилган, кўчирилган ёки босилган ижодий, илмий асар,
иш нутқ, ҳужжат ва ш.к. ёки уларнинг бир парчаси; матн".

Янги изоҳли луғатда "матн" шундай изоҳланади: "Ёзувда ёки босма ҳолда
ишакллантирилган муаллифлик асари ёки ҳужжат".

Булар умумистеъмолдаги маъно бўлиб, структурализм, хусусан, Ролан Барт
ишунга махсус маъно юклайди.

Ролан Барт матн ҳақида фикр юритар экан, деярли ҳаминша уни асарга боғ-
ишлик тарзда, асарга юзма-юз, ҳатто қарама-қарши қўйиб ўрганади. Бу ҳам табиий,
иш шунки асар матндан иборат, ҳам ғайритабиий, чунки матнда мавжуд нарса асарда
иш ҳам мавжуд эмасми, деган қонуний савол ҳаминша кучда бўлади.

Структурализм, хусусан, Ролан Бартнинг хизмати шундаки, у бу икки ҳоли-
ишанинг ҳам боғлиқ, ҳам фарқли томонларини чуқур ва асосли тарзда очишга
ишаришади. Унинг "Асардан матнга" деб номланган мақоласидаги қуйидаги фикрга
иш эътибор беринг:

"Матн — асарнинг парчаланиб кетиши эмас, аксинча, асар матн ортдан судралиб юривчи тасаввур шлейфидир. Ёки бошқачасига: **"Матн фақат иш жараёнида, ишлаб чиқаришда бўлинади.** Бундан аниқлашадикки, матн ҳаракатсиз кетиши (айтайлик, китоб жавонида) мумкин эмас, у ўз табиатида кўра, **ниманидир оралаб,** масалан, асар оралаб, қатор асарлар оралаб ҳаракатланганини кўрур".

Юзаки қаралганда, Ролан Барт асар ва матнни бир-бирига зид қўйгандек туюлади. Лекин, диққат қилинса, бу бошланғич диднинг бўлиб, охир-оқибат келушув билан якунланади: "Асар нари борса, кам рамзий, унинг рамзийлиги тежас йўққа чиқади, яъни, у ҳаракатсизликда қотиб туради. Матн бўлса, тўлиғича рамзий: **ўзининг бутун рамзий кўламини** (ҳамма ерда таъкидлар Бартниқни — С.М.) тушунилган, идрок этилган ва ҳазм қилинган асар, айни шу матндир".

Бошқача айтганда, асар матнлашуви жараёнини бошидан кечирганда, шунга эришилган тақдирдагина **бадий** асар бўла олади. Бу жараёндаги асосий критерини, шарт. Барт фикрича, рамзийликдир. Барт мулоҳазаларини давом эттирадиган бўлсак, у ёки бу асардаги ҳамма гап-сўз (бу ерда "матн" сўзидан тийишамиз) матн бўла олмайди. Матн бўлишга эришмоқ лозим.

Матн билан маъно ўзаро чамбарчас боғлиқ. Бу кам, улар боғлиқлиги эмас, бир-бирини таркибига кирувчи ҳодисалардир. Маъно матннинг мотори, яъни, ҳаракатлантирувчи кучидир. Матн маъно билан тирик. Лекин маънонинг ўзи ҳам сертаркиб, мураккаб ҳодиса. Бунини Ролан Барт шундай шарҳлайди: "Матнга кўплик хос. Бу, шунчаки талай маънолар йиғиндисидегани эмас, матнда ўз-ўзига маъно кўплиги вужудга келади, шунчаки йўл қўйиладиган кўплик эмас, бартараф қилиб бўлмайдиган кўплик".

Демак, кўплик фақат матнга эмас, маънога ҳам хос хусусият. Маъно, атар у қўним топган матн чинакам бадий бўлса, кўкка талпинувчи гала куш каби парвозга интилади. Шу жойда шундай ташбеҳга талаб бор, негаки, маъно типизлиги натижасида маънолар гуҳ бўлиши, бир-бирига ҳам далда, ҳам халал бериши мумкинлиги уларни реал нарсаларга ўхшатишга ундайди. Шунда мавҳум ҳодиса бир қадар аниқлик касб этади.

Барт давом этади: "Матнда маънолар тинч-тотув яшамайди. Матн маъноларни кесиб ўтади, улар оралаб ҳаракатланади; шунинг учун у ҳатто плюралистик талқинга ҳам бўйсунмайди, бунда маънонинг портлаши, сочилиб кетиши рўй беради".

Бунда аввалги кўчирмалардан фарқли ўлароқ, матн билан маъно ўрин алмашади. Аввалгисида маъно фаол ҳодиса бўлса, энди фаоллик матнга кўчади. Фаолликнинг бир-бирига бундай ўтиб туриши, бадий асарнинг ўта ҳаракатчан ҳодиса эканини урғулайди.

Қисман кўриб ўтганимиз "Асардан матнга" мақоласи соф назарий режадаги иш. Унда олға сурилган назарий фикрларга амалий далиллар, исбот-таҳлиллар келтирилмайди. Бунга эҳтиёж ҳам сезилмайди. Аммо ушбу мақола босилгандан икки йил ўтиб, яъни, 1973 йилда Ролан Барт шундай назарий-амалий мақола эълон қилади, у "Эдгар По новелласининг матний таҳлили" деб аталади, новелланинг номи "Жаноб Валдемар билан бўлган воқеа ҳақида ҳақиқат". Унда тез кунда ўлиши муқаррар бўлган (сеанс тахмин қилинган ўлим вақтидан беш соат олдин бошланади) жаноб Валдемар месмерча гипноз ёрдамида ухлатилиши ва ўлим жараёнини тўхтатиб, ўлимга маҳкум бемор салкам етти ой мобайнида месмерча транс ҳолатида яшагани (агар бунини яшаш деб билса) ҳақида ҳикоя қилинади. Шу муддатдан сўнг, у транс ҳолатидан чиқаришганда, зум ўтмай жасад емирилиб, тажриба ўтказувчилар қуйидагига гувоҳ бўлишади: "Тушликда кўз ўнгимизда шилимшиқ, жирканч, чирик бўтқа ястаниб ётарди".

Месмерча гипноз, транс ўлимини етти ой орқага сурганди. Маълумки, гипноз пайтида одам руҳ тасарруфида бўлгани туфайли, руҳ ўз қудрати билан танани бошланғич ҳолатда тутиб турган. Ўтган вақт мобайнида кечиши лозим бўлган емирилиш транс туташи биланоқ бир дақиқада содир бўлган эди.

Ролан Бартнинг ушбу мақоласи ҳажман анча катта бўлиб, мақола аввалида, унинг вазифаси белгиланади:

"Бизнинг вазифамиз: матндаги барча маъноларни (бу мумкин эмас, чунки матн чексизлик сари чексиз очик; ҳеч бир китобхон, ҳеч бир субъект, ҳеч бир

ан матн ҳаракатига тўсиқ бўла олмайдиган) эмас, балки матн маъносини вужудга келтирувчи шакллар, қолларни илгари ва таснифлашга (бирин-бир даражада қатъийликка эришиш қилмаган ҳолда) урининдан иборат. Биз маъно ҳосил бўлиши йўлларини кузатамиз".

Талқиқотчи асарни иттиҳ ва жумлама-жумла таҳлил қилишга чоғланади. Таҳлил тўғрисидаги матн бир-бирига тутанган бўлган қисқа сегментларга (гап, гап бўла-ска ва кўпи билан уч-тўрт гапдан ташкил топган гуруҳ) бўлиниб, тахминан ўн сегментлик новелла матни 150 сегментга ажратилади. Улар ўқини бирликлари бўлган туфайли "лексия"лар (lexis – латинча legerе (ўқиш) сўзидан олинган) деб номланади.

Талқиқотчи яна шу ерда "маъно" деганда нимани кўзда тутишини тушуниради. Унинг фикрича, бу луғат ва грамматикада қайд этиладиган маъно эмас, бундай деганда француз тилини билладиган ҳар қандай одам уни ёндоқдай осон чаққан бўлиши мумкин. "Маъно деганда... – деб ёзади Ролан Барт, – биз бошқачароқ ҳодисани кўзда тутамиз: лексияларнинг коннотацияси, уларнинг иккиламчи маънолари. Ушбу коннотатив маънолар ассоциациялар шаклида бўлиши мумкин". Бундаги "коннотация" ўқини қўшимча, устама маъно оттенкаларини аниқлаштириши маълум.

Шундан сўнг, мақоланинг кириш, яъни, методологик асослаш қисми тугаб, ҳавосита таҳлил бошланади. У уч жабҳада олиб борилади:

1. 1-17 лексиялар таҳлили.

2. 18-102 лексияларнинг аксионал таҳлили.

3. 103-110 лексияларнинг матний таҳлили.

Буларнинг ҳар бирига батафсил тўхталанишга ҳожат йўқ. Лекин бизнинг назаримизда эътиборга лойиқ айрим ўринларни қайд этамиз.

Новелланинг номи – "Жаноб Валдемар билан бўлган воқеа ҳақида ҳақиқат"

1-лексияни ташкил қилади. Шу ўринда муҳим бир илмий фикр қайд этилади: "Шу кунгача сарлавҳанинг вазифаси, ҳар қалай структурал таҳлил доирасида, тарли ўрганилмайди".

Шундан сўнг, муайян ҳарф билан белгиланган беш пунктда сарлавҳа аниқла-ниши ва ишора қилиши лозим бўлган деярли ҳамма маъно оттенкалари аниқла-ниб, белгилаб чиқилади. Кейинги лексиялар ҳам шу тахлит маъно томонидан либ-ёйиб борилади.

18-102 лексиялар таҳлилида матндаги мазмунга боғлиқ равишда қисман ўзга-риш ҳосил бўлади. Илгари олатий ахборот берувчи гаплар кўриб ўтилган бўлса, энди "нарратив ҳаракатлар (акциялар) занжири" диққат марказига ўтади.

Новелладаги ушбу ўринлар асосий воқеага тайёргарлик, ўзига хос зинапо-ейиш мумкин. 103-110 лексиялар асарнинг кульминацион чўққисидир. Ролан Барт ёзганидек, медицина нуқтаи назаридан жаноб Валдемарнинг ўлими билан иккунга тугаши лозим. Кўпинча қахрамон ҳалокати асарни хотималайди. Новеллада ундай эмас, "фабуланинг давом этиши (103-лексиядан бошлаб) ушбу ўринда ам нарратив зарурият (матн олға силжимоғи учун), ҳам мантикий машмаша. ундай машмашани "қўшимча машмаша деб аташ мумкин: ҳикоянинг қўшимча ўлмоғи учун ҳаётнинг ҳам қўшимчаси бўлиши зарур; ва бу ерда энди ҳикоянинг давом этилиши ҳаёт баҳосига тенглашади".

Ушбу ўринлардан бошлаб асарда фавқулодда ҳодисалар бошланади. Элгар По-зганидек, "ҳар қандай китобхон менга мутлақо ишонмаслиги мумкин". Булардан сўнг қутилмагани, кузатиб турганлардан бирининг ҳушдан кетиши, бировларнинг қонадан қочиб чиқишига сабаб бўлган ҳодиса: аллақачон ўлиши лозим бўлган одам гипноз ҳолатида тилга кириб, гипнозчининг: "Ухлаяписизми?" деган сўрови-га жавобан айтган гапи:

– Ҳа... йўқ... мен ухладим... энди эса... энди... ўлим.

Шундан кейин, "ўлдим"нинг гайриоддийлиги ҳар томонлама кўриб чиқиладиган. Ўлган одамнинг "ўлдим" дейиши мурданинг тирилиши каби қутилмаган қўрқин-чи ҳодиса ва айна шу туфайли унинг бадиий-психологик таъсир кучи нақд ҳол-да. Ролан Барт ёзганидек, "айнан биринчи шахс (Je)нинг кесим порт ("ўлмоқ") билан уланиши амалда мумкин эмас: бу лисоний бўшлиқ, лисоний ковак, биз-нинг новелла тилдаги худди шу майдонни тўлдирди".

Асарда айни шу мумкин эмаслик ("мен ўлдим"), мумкинлик тарзида мумкин сам этилади. Қизини шунақа, худди шундай ибора битининг аждодаларимиз бўла қадимги туркларнинг қабр тошларида битилган сўзларда ҳам учрайдики, би бир пайтлар бунга эътибор қаратган эдик. "Сўзларни бития тош"да қабрда ёган одам ўғлини уйлаштирганни, қизини қанинсини ушатгани ҳақида гапириб кетиб дейди: "Амти ўлтим" ("эни ўлдим"). "Бу танини талати фожелини (ушани фожелик талатиликдан туғилади) шунчаки, уни ростаман ўлган одам айтиши мумкин эмас. Ўлим бу инсон зоти ўз эрки билан қилаётган ҳаракат (айтайлик, ўқим ёлдим каби) эмас. Ўлим одамнинг эрк доирасидан ташқарида... айтилганларга қарамасдан. "Амти ўлтим" ибораси бематани туюлмайдиган, аксинча, талати жойига, баднийлик касб этади".

Эдгар По новелласида ваъжит бошқачароқ, янада кескин ва ҳаяжонлироқ. Бунда қушувчилар кўз ўнгидан турган ўлган одам (мурда) тилидан "мен ўлдим" дейилмоқдаки, бу бежиз Ролан Барт таҳлилининг интеллектуал марказини ташкил қилмайди. Ҳамма худди шу нарса Эдгар По новелласини бадний асар сифатида тутиб турган омил бўлса, ажаб эмас.

Мақола сўнггида Ролан Барт матний таҳлил ҳақида муҳим фикрларни ўртага ташлайди: "аслида матний таҳлил бит матнини тўқима (ткань) деб (зеро, мати (текст) сўзнининг этимологик маъноси шундан), бир пайтнинг ўзида аралашиб-қоришиб кетган ва тугалланмаган ҳар хил овозлар, турли-туман кодларнинг чир-машуви деб тасаввур қилишимизни талаб қилади. Ҳикоя қилиш – бу яссидик, жадвал эмас; ҳикоя қилиш бу кўлам, бу стерефония".

Бундаги бадний асар мисли бир тўқима экани, у ясси текислик, яъни, икки ўлчамли (эн ва бўй) ҳодиса эмас, уч ўлчамли кўламдор ҳодиса экани борасидаги гап самарали фикрлар сирасидан. "Аралашиб-қоришиб кетган ва тугалланмаган ҳар хил овозлар" ҳақидаги фикрда М.Бахтиннинг полифония назарияси таъсири сезилса-да, бу конкрет матний таҳлилга жалб этилиши янги ва ижобий ҳолдир.

Шу ўринда М.Бахтинга боғлиқ бир мулоҳаза. Ролан Барт М.Бахтин ишлари билан таниш бўлган, бу ҳақда аниқ маълумотлар бор. 1965 йил Ролан Бартнинг анъанавий семинарида унинг шогирди Ю.Кристев М.Бахтин ҳақида махсус доклад қилган. Кейинроқ, олтинчинчи йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб эса, М.Бахтин асарлари Францияда кўплаб таржима қилина бошлаган.

Айтиш жоизки, М.Бахтин ва Ролан Барт муҳим бир нуқтада – адабиёт ва адабий асарнинг ижтимоий характери бобида ўзаро қарама-қарши позицияда туришади. М.Бахтиннинг қатъий ишончи бўйича, "ҳар қандай адабий асар ичдан, имманент ижтимоийдир". Биламизки, Ролан Барт ва, умуман, "янги танқид" бундай нуқтаи назар билан келишмайди.

Мана, Ролан Бартнинг Эдгар По новелласи таҳлиliga бағишланган мақола-сини қисқа тарзда кўриб ўтдик. Шу аснода айрим мулоҳазаларни баён этишни лозим ҳисоблаймиз.

Одатда, таҳлил учун қайси муаллиф ва унинг қайси асари танланади. Бу – таҳлилнинг асос пойдевори. Зотан, ушбу танлов тадқиқотчи (таҳлилчи)нинг пировард ғоявий ва эстетик мақсади ҳақида қарийб аниқ маълумот беради. Танланган асар ўз характер-хусусияти билан таҳлилнинг ҳам мазмун, ҳам структурал йўналишини гўё аввалдан белгилайди. Тадқиқотчи таҳлилга киришишдан олдин интуитив равишда онгида унинг ҳаёлий шаклини тиклайди. Асар таҳлилчини бошқаради. У ўз эркининг бир қисмини асарга топширар экан, шунда танловнинг аҳамияти бўртиб кўринади.

Биобарин, Ролан Барт, айнан, Эдгар По ижодига мурожаат қилиши ва, айнан, "Жаноб Валдемар билан бўлган воқеа ҳақида ҳақиқат" новелласи таҳлиliga олинганининг ўзиёқ, тадқиқотчининг илмий ва ғоявий позициясини бир қалар аён этади. Бунда "янги танқид" нинг умумий методологик принципи, яъни, адабий асарга ижтимоий, тарихий ва биографик омиллардан буткул холи ҳодиса сифатида қарашининг ҳам таъсири бор, шу нарса олимни Эдгар По сингари адиб ижодига мурожаат қилишга ундаган. Зеро, "Адабиётда америка характери" китебининг муаллифи адабиётшунос Блис Перри таъкидлаганидек, "По бадний маҳоратнинг ғайризамоний ва ғайримиллий тимсолидир".

Эътибога лойиқ яна бир факт. Ушбу новеллани француз тилига йирик шоир, ушбу "Ёвузлик чечаклари" китобининг муаллифи Шарл Бодлер таржима қилган. Инсон руҳиятидаги негатив жиҳатларни поэтиклаштиришга уринган Шарл Бодлернинг Эдгар По ижодини ўзига яқин олиши табиий ҳол. Унинг Эдгар По ҳақидаги махсус мақола ёзгани ҳам маълум.

Масаланинг бошқа томони ҳам бор. Ушбу новелла қатъий маънода соф бадиий асар эмас, у ярим тадқиқот характеридаги асарлар сирасига киради. Адабиётшунос А.Н.Николёкин ушбу асарни бежиз “месмеризм ҳақида ҳикоялар” қаторига санамайди. Бундай асарда асосий мақсад инсон характери, ҳаётнинг муайян баър парчасини бадиий образлар, бадиий тил воситасида очишдан кўра, бирор оғайн илмий муаммони исботлашга бўлган саъй-ҳаракат устунлик қилади. Иккинчидан, новеллада тасвир этилган воқеа ҳаётий эмас, бу ниҳоятда кам учрайдиган танҳо ҳодиса. Асарни тутиб турган бадиий-психологик тиргак ҳам, аслида, аш-шуб танҳолик. Бунинг устига Эдгар По ўз хатларининг бирида жаноб Валдемар атрофида бўлган воқеа фирт мистификация, уйдирма (“it is a mere hoax”) дея тан олган эдики, бу ҳақда ҳам Ролан Барт маълумот беради.

гага Шунинг учун ҳам асар сарлавҳасидаги факт сўзи (новелла аслиятда шундай атрофланган: "The facts in the case of V.Valdemar") асл мистификацияга қасддан қараиб-а-қарши қўйилган. Воқеа уйдирма, ўйлаб чиқарилган эса-да, факт — ҳақиқат, ир-қиди ёзувчи гўё. Ролан Барт ёзишича, "фактга шу тахлит мурोजаат қилиниши бизга иқ-қаригидан илмий код унсурлари ҳисобланади". Аслида, бадний адабиётда факт би-ан уйдирма доимо уйғун тарзда келади. Ҳар қалай адиб бўлмаган, лекин бўлиши оқидмкин бўлган воқеани, яъни, ҳаётий ҳақиқатни бадний ҳақиқатга айлантира олса, ағидарра уники. Лекин Эдгар По новелласида фақат илмий-физиологик факт мавжуд, гандлос. Асарда бадний ҳақиқат мавжуд бўлиши учун унда, биринчи навбатда, инсоний триахр, тафт балқиб туриши лозимки, бу жабҳда Эдгар По новелласи анча оқсайди.

р. Ролан Барт ўз таҳлилида асар матнига шу қадар қаттиқ боғланадики, баъзан у ириятн ортидан элас-элас кўринадиган маънолар уфқини кўролмаётгандай туюлади. ингўнинг устига, ҳаётийлик оқсаган жойда маънолар уфқи ҳам у қадар кенг бўлмайди. ж-Шу ўринда адабиётшунос Манфред Науманнинг бир фикрини келтиришни ло-са,им толамиз: "Матнига ҳаддан ортиқ боғланган таҳлилда асар ғойиб бўлади". Таҳ-ил жараёнида, таҳлил матнида асар бор бўй-басти билан қад ростлаши учун вааҳлилчининг ҳам маҳорати, ҳам ички инсоний-маънавий позицияси, ҳам мето-У-үлогик ақидаси бахтли бир нуқтада жамланган бўлиши лозим экан. Бу, назари-и,ақла, адабиёт назарияси учун зарур ғоявий-методологик хулоса.

д" Ролан Барт ўз мақоласида Эдгар По новелласи имкон бергани қадар асарнинг аъyno қатламларини очишга эришади. Лекин асарнинг имкон даражаси танлов а-йосқичидаёқ аён эди, ундан ташқари чиқиш мумкин эмаслигини талқiqотчи ин-хши ашларди. Аслида, талқiqотчига айни шу керак эди.

Ундан ташқари Ролан Барт мақоласида асар (бу ўринда Эдгар По новелласи) — амиридаги маъно-мазмун кўламини очишдан кўра, таҳлилнинг семиотик назариясини яратиш мақсади устунроқ бўлган. “Таҳлил — бу матн бўйлаб сайр”, деб ёзган Ролан Барт. Ушбу сайр мобайнида таҳлилга бевосита дахлдор бўлмаган, масалага олишдан туташ қатор назарий фикрларни ўртага ташлайдики, бу мақолада структурал-семиотик таҳлилнинг мумтоз намунасига айлантирилади. Бошқа томондан, мақолада француз “янги танқид”нинг гоявий ва методологик позицияси, унинг кучи ва ожиз томонлари аниқ намоён бўлади.

Ролан Барт ўз ишларида маънони деярли ҳамisha ўз таълимотининг марказий тушунчаси матн билан боғлиқ равишда, қашшоқликда ўрганади. Унинг наздида, маъно матн билан рамзнинг оралиғида турувчи ҳодиса бўлиб, сўнгги натижа ҳолиб охир-оқибат рамзийликка тақалади. Ролан Барт фикрича, рамзийлик матннинг шарт, ҳатто у матнни бор ё йўқ этувчи асосий омил.

Франциядаги “янги танқид” вакиллари бирлаштирган, уларнинг назарий манифести ролини ўтаган Ролан Бартнинг “Танқид ва ҳақиқат” эссесида маънога махсус эътибор қаратилади. Шундан айримларини кўриб ўтайлик.

“Танқид фан эмас. Фан маъноларни ўрганади, танқид эса уларни вужудга келтиради”. Кўринадики, Ролан Барт танқидни фаол ижодий куч (керак бўлса

муаллиф томорқасига даҳл қилганини), матно инклавтирувчи, ишлаб чиқаруви амал деб билади. "Мунаққиднинг асарга муносабати маънавий шаклга тулган муносабатидир. Мунаққид асарини "таржима қилиш", ҳусусан, уни ойдинлаштиришга даъвогарлик қилолмайди, негаки, асарининг ўзининг ойдинроқ, нағза ўққ Яъни, танқид асарининг нарзатин (бағний) матно матиунини чиқариб берининг зиммасига олмайдди. Чунки бу жуда одми юмуш бўлиб, унда танқиддай мунаққид амалиёт ўз кучини ўтин ёриндай жўи меҳнатга сарфлаган бўлур эли. Ундай бўлса, Ролан Барт назарида танқиднинг хизмат-вазифаси нимада? Иккинчи, ўлама матнонинг ҳар таркифи ва теран оғиб беринда, деб ҳисоблайди у. "Мунаққид матнонинг парчалашди, асарининг бирламчи тили устига иккинчи тил, яъни, уқлиридан ички белгилар системасини қишат қилиб қўйди".

Хуллас, Ролан Бартининг мати ва матно ҳақидаги фикр мулоҳизаларини бир фикрий нуқтага жамлайдиган бўлсак, тахминан шундай мангара ҳисоб бўлади. Мати (биз буни одатда "бағний мати" деймиз) шундай асар ёки шундай контекстга, у муқаррар иккинчи тилга эга. Иккинчи тилсиз (биз буни "бағний мати" деймиз) мати йўқ. Иккинчи тил матнолар, турли-туман, ўнг-чанг, ост-уст, ён-тер, узоқ-яқин матнолар маконидир.

"Таҳлил — бу мати бўйлаб сайр", деб ёзганди Ролан Барт. (Тажриб ўтири ўти). Бундай сайр давомиди у нимани кўради, нимани кўрмайди, нимани қандай кўради? Юқорида бу саволларга бир қавар жавоб берилди, деб умид қиламиз.

Биз "янги танқид"нинг фағилатлари ва айрим камчиликлари ҳақида фикр юритар эканмиз, унинг камчиликлари у эришган илмий нутқ ва яқуний хизматларга асос бўлгандек туюлади. Аниқ бир йўлни танлаган одам, табиийки, билади қатор йўллардан жудо бўлади. Бир йўлни тандаб олиб, ундан собитқадамлик билан олға юрган одам муайян натижага эришмоғи тайин.

Одам ҳақидаги бу гапларни "янги танқид"га талбиқ язалган бўлсак, унинг адабиёт илмига қўшган ҳиссаси анча салмоқли экани аён бўлади. Адабиётшунос Юрий Боров ўзининг "Эстетика" асарида адабиётшунослик ва санъатшунослик тарихида мавжуд матини таҳлил қилишнинг қуйидаги уч хил методология усулларини кўрсатади:

1. Бағний матиннинг ташқи алоқаларини таҳлил қилишнинг "ангазавий" усуллари: ижтимоий, тарихий-маданий, қиёсий, биографик ва ижодий-генетик ендашувлар.

2. Бағний мати ички алоқалари таҳлилининг "янги" усуллари (структуравий, семиотик, услубий таҳлил, микро таҳлил, "сингков ўқиш").

3. Мати ижтимоий вағифадорлигини таҳлил этиш усуллари (асар ҳақидаги танқидий адабиётни ўрганиш, китобхонлар доирасида конкрет-ижтимоий таҳлил қилиш ва ҳ.к.).

Бу жуда жиддий умумлашма бўлиб, ҳозирча мавжуд деярли барча ёндашув усулларини қамрайди. Бу ердаги иккинчи банд салкам бутунисича "янги танқид" оқими фаолиятининг самараси, улар қўллаган усуллар мажмуидир. Шунинг ўзиде, "янги танқид"нинг жаҳон эстетикаси ва адабиётшунослигида тутган муҳим ўрини тайин этади.

